

БАҒРИКЕНГ УСТОЗ

Инсоннинг ҳаёти жуда қисқа эканлигини кеч тушуниб етар экансиз. Ёшлик давларида тезроқ катта бўлишни орзу қиласиз, лекин шу билан умр ўтаётганини пайқамайсиз. Яқинларимиз, устозларимиз бизга доимо тўғри йўлни кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Биз эса уларнинг бундай меҳрибонликларини баъзида илғаймиз, баъзида эътиборсиз қолдирамиз. Улар бу оламни тарқ этганларидан кейин армонда қоламиз. Уларнинг биз учун берган ўғитларини назарга олмаганимиз учун ўксинамиз, бу дунёнинг фанийлигини кейин тушуниб етамиз. Мен билган қўплаб устозларимнинг барчалари бағрикенгликда тенги йўқ инсонлар бўлган. Ана шундай устозларимдан бири филология фанлари доктори, профессор Ёрмат Тожиев домла эдилар. «Эдилар» деб ёзяман-у, лекин устоз ҳамон биз билан бирга, сафимизда юргандек туюлади. Хотира инсон учун берилган энг буюк неъматлардан биридир. Бугун устозимизни яна бир бор хотирлашга жазм этдим. Устоз билан ҳар сафар учрашганимда бу инсоннинг бағрикенглигини ичдан ҳис этардим. Ўз шогирдларига, ёш тадқиқотчиларга жуда меҳрибонлик билан ўз маслаҳатларини аяшмаган.

Профессор Ёрмат Тожиевни таниганимга салкам 40 йил

булибди. Утган асрнинг саксонинчи йилларида номзодлик диссертациясини ёзиш, химоя қилиш арафасида устознинг кўп маслаҳатларини олганман. Айниқса, кейинчалик докторлик диссертацияси устида ишлаш жараёнларида ҳам бир талай тавсиялар беришган.

Орадан йиллар ўтиб, ҳаёт тақозоси билан ёз кунларидан бирида устоз билан учрашиб қолдим ва салом-алиқдан сўнг қаерда ишлаётганликларини сўрадим. Шунда устоз Гулистонга катнаб, у ердаги университетда ишлаётганликларини айтишди. Янги ўқув йилидан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида янги ташкил этилган «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасида профессор лавозимида ишга таклиф қилдим. Домла таклифимни қабул қилдилар. Шу тариқа 2020-2021 ўқув йили сентябридан айtilган кафедрада профессор лавозимида ишни бошладилар. Биз ҳам тил борасида шундай тажриба ва билимга эга бўлган олимнинг биз билан бир сафда меҳнат фаолиятини бошлаганларидан бехад хурсанд бўлдик. Домла институт жамоаси билан тезда киришиб кетдилар. Домланинг институт талабалари билан ҳам тил топишишлари осон кечди. Чунки устоз илмий фаолиятларининг катта қисмини нутқ маданияти масалаларига бағишланган эди. Шу боис домла бўлғуси санъат ва маданият соҳаси кадрларини тайёрлашда жуда самарали меҳнат қилишди. Устоз ҳар дарсга жиддий тайёргарлик билан барвақт ишга келарди. Домланинг нутқ маданияти борасидаги кўп йиллик тажрибалари жуда қўл келди.

Бундан 30 йил аввал филология фанлари докторлари, профессорлар Р. Қўнғуров ҳамда Э. Бегматовлар билан ҳаммуаллифликда яратилган «Нутқ маданияти ва услубият асослари» номли қўлланма ҳануз ўз қимматини йўқотмасдан асосий ўқув адабиёти сифатида фойдаланиб келинмоқда. Қўлланманинг «Сўз боши» қисмида ёзилганидек, «Ўзбек нутқи маданияти ва услубияти масалаларини тадқиқ этиш ўзбек тилшунослиги олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир.

Бу муаммони ҳал қилиш умуммаданиятимиз тараққиёти, шунингдек, олий мактабларда тил ўқиш ва ўқитиш жараёнини яхшилаш билан ҳам боғлиқ. Шунини қайд қилиш керакки, нутқ маданияти ва услубиятига оид курс ҳозирча олий мактабларнинг фақатгина филология факультетларида ўқитилаётганлиги ҳам, фикримизча, маориф соҳасидаги камчилигимиз ҳисобланади. Чунки нотиклик санъати сирларини ўрганиш, ўз фикрини баён қилаётган лисоний материаллардан тўғри фойдаланиш, ҳар бир тил воситасини керакли ва лозим бўлган ўринда мантиқан ва грамматик жиҳатдан тўғри қўллаш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида хизмат қилувчи ҳар бир мутахассис учун, умуман ҳар қандай маданиятли киши учун ҳаётий зарурат деб ҳисоблашиши керак». Муаллифларнинг ушбу фикрлари ўтмишда ҳам, бугун ҳам ўз тасдиғини тулиқ топмоқда.

Ҳозир қўлимда профессор Ёрмат Тожиёв томонидан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси учун совға тариқасида тақдим қилинган «Ўзбек нутқи маданияти ва услубияти асослари» (М.Маллабоев билан ҳаммуаллифликда яратилган), «Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари амалиёти» (М.Маллабоев билан ҳаммуаллифликда яратилган) номли қўлланмалари турибди. Совға қилинган кунини сифатида 2021 йил 28 октябрь деб ёзиб қўйилган. Ушбу китоблар устоздан биз учун бебаҳо ёдгорлик бўлиб қолди. Ушбу китобларни ўқир эканман, ундаги очик ва юракдан айтилган фикрларга қўпиламан. Хусусан, «... ўзбек тилини ҳурмат қилган, унинг бойликларидаи оз бўлса-да баҳраманд бўлган ва шу асосда унга меҳр қўйган ҳар бир киши, ҳар бир зиёли бу тилнинг тақдирига бефарқ қарай олмайди. Энг асосий ва долзарб масалалар ҳақида фақат тилшуносларгина эмас, балки адабиётчилар, бошқа соҳа мутахассислари, барча зиёлилар, кенг жамоатчилик қўплаб фикрлар билдиришяпти, ўз мулоҳазаларини, истакларини баён қилишяпти. Кўпчилик томонидан

кайта-кайта такрорланаётган энг асосий муаммо шуки, ўзбек нутқи маданияти масалаларини оммабоп тарзда ёритиб бсрувчи махсус қўлланмалар ниҳоягда камдир».

Дарҳақиқат, 16 йил аввал айтилган бу фикрлар бугун ҳам ўз қийматини, аҳамиятини йўқотган эмас. Бу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишларимиз талайгина.

Нутқ маданияти масаласи, айниқса, маданият соҳаси ходимлари учун сув ва ҳаводек муҳим масала эканлиги ҳаммага яхши аён. Институтда асосий мутахассислик фани сифатида «Саҳна нутқи» ўқитилади. Лекин «Саҳна нутқи» билан «Нутқ маданияти» орасида маълум даражада тафовут бор. Яъни «Саҳна нутқи» актёрнинг ўз нутқи эмас, у асар қаҳрамонининг нутқи. Актёр уни юксак актёрлик маҳорати билан томошабинга манзур тарзда ижро қилади. «Нутқ маданияти»да эса ҳар бир шахснинг ўз нутқи малакаси ўргатилади.

Аслида, нутқ ўстириш, нутқ маданияти масалалари ҳар бир оиладан – фарзанд дунёга келган кундан бошланиши муҳимдир. Бунинг учун ота-она ҳам бир оз бўлса-да нутқ маданияти борасида керакли билимга эга бўлишса, нур устига аъло нур бўлар эди. Кейинги босқичда мактабгача таълим ва мактаб таълими туради. **Мактабда дарс берадиган ҳар бир устоз, қайси фан ўқитувчиси бўлишидан қатъий назар, нутқ маданияти – ўқитувчи нутқи маданиятидан хабардор бўлиши лозим.** Акс ҳолда, биз буни кўп кузатдик. ўқувчи ўқитувчиси сингари нутқий жиҳатдан нуқсонлар билан камол топади. Нега ўқитувчиси сингари дедик? Бунинг сабаби – кўпгина ўқитувчилар ҳам дарс бериш жараёнида нутқ маданияти тамойилларига деярли амал қилмасдан ҳам шевада, ҳам ўз нутқий камчиликларига бепарво ҳолда – ҳадеб ингиллашлар билан, анақа, нима, демак каби сўзларни ўринсиз ҳолларда қўллайвериш билан машғулот олиб бораверадилар. Адабий тил меъёрларига эътиборсизлик, беписандлик натижасида кўпгина салбий ҳолатлар юзага келади. Кўпинча ҳеч ким бунга эътибор бермайди. Нати-

жада, бола ҳам айни шундай нутқий ғализликлар билан улғаяверади. Олий таълимда ҳам баъзи ҳолларда айни шу ҳолат такрорланади. Кадр бўлиб етишганда ҳам шу нуқсон давом этади. Бундай ҳолатни телевидение курсатувларида ҳам кўп кузатганмиз. Демак, устознинг, фан уқитувчиси ва ота-онанинг бу борадаги билими, сергаклиги муҳимдир.

Бир муҳим нарсани ҳеч ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим: тил ва маданият масаласи жуда қадимдан ута долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. Чунки тил орқали ҳар бир миллатнинг ҳули, одоби, маънавияти, маданияти, қолаверса, миллат сифатида нечоғлик урин эгаллаганлиги маълум бўлган. Шу бонс улуғ аждодимиз Юсуф Хос Ҳожиб «Одобнинг боши тилдир» деб бежиз айтмаган. Буюк Навоий «Хамса»ни битиб, бу тилнинг урнини бежиз юксакликка кутармаган. Улуғ Навоий айтганидек, «Тилга эътибор – элга эътибор»дир. Ҳар биримиз уз она тилимизга эътиборли бўлишимиз, уни ардоқлашимиз, келажак авлодга нафосат ва назокатли тилимизни бутун гузалликлари билан етказишга масъулмиз. Бу иш бугунги авлоднинг келажак авлод олдигаги энг муқаддас бурчларидан бири ҳамдир.

Бу юрт, бу улка, унинг етук фарзандлари қадимдан жаҳон маданияти ривожига катта улуш қушиб келган. Манбаларда айтилганидек, «Цивилизация, жумладан, Юнонистонда нафосат, Ҳиндистонда дин, Оврупада моддий-техника тараққиёти, Туронда эса ахлоқ шаклида вужудга келган... Қадимий Туронда ахлоққа катта эътибор билан қараган. Юксак инсоний фазилат, инсоннинг миллатидан қатъий назар, барча мавжудотларнинг сарвари сифатида қадрлаш, маънавий камолот ва етуклик, адолат, инсоф, диёнат ва иймон каби хусусиятлар тирикликнинг бош мазмуни сифатида тушунилган» (Жўраев Н. Агар огоҳ сен ... – Тошкент: Ётувчи, 1998. –. –Б.106-107). Биз яхши биламизки,

юртимизда ахлоқ масаласи бениҳоя серкамров, мағзи тўқ, қиёси йўқ тушунча сифатида ардоқлаб келинади. «Маънили ва бежирим гапира билиш, нутқ дарёсидаги макбул ва номақбул тўлқинларни илғай олиш, сўзнинг орқа-ўнгини, муносиб ўрнини фарқлай билиш, нуткий фахму фаросат, тарҳли нутқ одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқининг, маънавий расолигининг таянч устуларидан саналган» (Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б.43). Демак, тил ва нутқ масаласи қадимдан миллат маънавияти ва маданияти тақомилининг бош омилларидан бири бўлиб келган. Она тилимиз келажакини таъминлаш – халқимиз маданиятини асрашдир, унинг боқийлигини таъминлаш бугун учун, айниқса, муҳимдир. Бугунги давр шуни тақозо этмоқда.

Тил хусусида билдирилган фикрлар турлича, лекин ҳақиқат шуки, тил бениҳоя муқаддас ва муътабардир. У инсонни шакллантирган, тараққиёт сари етаклаган, унинг ақл неъматларини ифода этиб, тафаккур гулшани дарвозаларини очган тенгсиз бир робитадир. Шундай бир буюк эҳтиром ва эъзозга сазовор бўлган тилларнинг кечмиши бир хил эмас, албатта. Тарих сахнасида ўзбек тили не машаққатлар билан омон қолди. Ахир, тил – миллатнинг руҳи, дейилади, тил улса, миллат ҳам тамом бўлади. Бунга мисоллар камми? Бутун Европа тилларининг шаклланишида етакчи тил вазифасини бажарган буюк латин тили, Шарк тилларининг бобоси деб атаганимиз санскритча тамоман тугаб битди. Ёки яқин ҳудудларимизда кенг қулоч ёйиб тарақкий этган сўғд тили, паҳлавий, парфийн тилларининг кечмишини эслайлик. Ёки Шимолий Америкадаги алгонкин тиллари микрооиласига кирувчи массачуси ҳамда могикан тилларининг тақдири ҳам йўқлик билан якунланди. Ёки қадимги Вавилонияда кенг тарқалган аккад тили, эрамиздан олдинги III асрдан эрамизнинг IV асрига қадар Ғарбий Осиёда яшаган

оромийларнинг оромий тили, шунингдек, кадимги Финикиядаги финикий тили, кадимги миср тили негизида пайдо бўлган копт тили каби тилларнинг тақдири ҳам йўқлик билан якун топиб, тарих сахнасидан тушиб қолди. Шунинг учун ҳам тилимизнинг бугунги ривожига жаҳон тиллари орасидаги муносиб ўрни учун беадад шукурлар қилишимиз керак. Тўғри, тилимиз ҳам ўз тарихий тараққиёти давомида кўп синаотлардан муваффақиятга эришди. У дунё тиллари уммонида келиб қўйилгунга қадар қасрдадир шовуллаб шиддат билан оқди, қасрдадир тарих йўлидаги дамбага дуч келиб, шиддатини секинлатди, яна дамбани ошиб ўтиб, ўз ўзарида тил уммони сари интилди. Тилимизнинг бугунга қадар омон-эсон келишининг асосий боиси халқимизнинг ўз она тилини жонидан севиши, ардоқлашидир. Зеро, бу ҳақда бундан минг йил аввал буюк бобокалонимиз Маҳмуд Кошғарий айтган эдилар: «Худо давлат қўёшини турклар (ўзбеклар – И.Й.) буржида яратди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди. Уларни турк (ўзбек) деб атади, мулкка эга қилди, уларни замонамизнинг ҳоконлари қилиб қўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жисмини шулар қўлига топширди, халққа бош қилди, буларни тўғри йўлда юришга қодир қилди. Буларга қарашли кишиларни толиб қилди. Уларга қарашли кишилар мақсадларига етиб, бебошлар ҳалокатидан қутулди. Уларнинг ўқларидан сакланмок учун уларнинг хатти-ҳаракатларини маҳкам тутмок ҳар ақлли кишига лойик ва муносибдир. Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл – уларнинг тилларида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши қўлоқ соладилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар бермайдилар. Ҳатто улар тил тўғрисида ўз паноҳида турган бошқаларнинг гуноҳини ҳам кечириб юборадилар» (Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. I жилд. – Тошкент: Мумтоз-сўз, 2016. –Б.21.). Маҳмуд Кошғарий томонидан бундан минг йил аввал айтил-

ган мазкур фикрлардан кўриниб турибдики, халқимиз азал-азалдан она тилимизнинг муҳиб, уни муқаддас билиб, ардоқлаб келган. Халқимизнинг ана шу хусусиятлари туфайли тилимиз тарихнинг барча синовларидан омон-эсон ўтиб, бугунги ёруғ кунларга етиб келди. Миллатимиз табиатидаги кўп минг йиллик тил севгиси, тил тўғрисида бугун ҳам тулиқ қўзатишимиз мумкин. Эътибор беринг: агар Сиз бирон-бир хорижий тилда улар мамлакатада улар тилида чиройли қилиб маъруза ўқисангиз, суҳбатлашсангиз улар таажжубга тушибмайди, гўёки, Сиз уларнинг тилини билишингиз шартдек. Магарки, бир хорижлик меҳмон бизнинг юртимиздаги ҳар қандай тадбирда тилимизда қўпол қилиб бўлса ҳам икки оғиз сўз билан «Ассалому алайкум, азиз дўстлар», деса бўлди, биз урнимиздан туриб уни олқишлаймиз. Маърузадан кейин у билан юз йиллик дўстдек илиқ муносабатда бўламиз. Чунки бу хислат бизга минг йиллар аввалдан насиб этган.

Демак, бўлгуси кадрларнинг ўз нутқини такомил топтиришида «Нутқ маданияти»нинг ўрни бекиёсдир. Устоз билан айна шу масалаларга бағишланган дарслик ёки ўқув қўлланма яратишни мақсад қилган эдик. Ишонамизки, кафедрада фаолият кўрсатаётган устознинг шогирдлари устоз билан қилган ниятларимизни амалга оширадilar.

Иброҳимжон ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти ректори,
филология фанлари доктори, профессор